

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ШАХЛО БАХТИЁРОВА**

**ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДА ТРАНСПОЗИЦИЯ  
ХОДИСАНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик ихтисослиги**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Назарова Шахло Бахтиёровна**

Ўзбек ва корейс тилларида транспозиция ҳодисасининг қиёсий таҳлили..... 3

**Назарова Шахло Бахтиёровна**

Сопоставительный анализ феномен транспозиции в узбекском  
и корейском языках ..... 27

**Nazarova Shahlo Baxtiyorovna**

Comparative analysis of the phenomenon of transposition in the Uzbek  
and Korean languages ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ**

**НАЗАРОВА ШАХЛО БАХТИЁРОВА**

**ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ТИЛЛАРИДА ТРАНСПОЗИЦИЯ  
ХОДИСАНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва  
таржимашунослик ихтисослиги**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Fil354 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Раҳимов Аҳмад Султанович</b> филология фанлари номзоди, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Хайруллаев Хуршид Зайниевич</b> филология фанлари доктори, доцент <b>Ким Наталья Дек-хеновна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD. 03/30.12.2019.Fil/Ped83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 238-29-37; Факс:(99878) 210-00-18, e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 9-уй. Тел: (99866) 238-29-37

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди (2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.М.Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ғ.Қ.Мирсанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, DSc, доцент

**Ш.С.Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лисоний фаолият ҳодисаларига антропоцентрик ва фанлараро ёндашувлар асосида баҳо бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда тил ва тафаккур, тил ва шахс, тил ва жамият тил ва маданият муносабатлари сингари глобал ва мураккаб муаммолар тилшунос олимларнинг диққат марказида туриши ана ўша эътибор маҳсули. Систем-структур тилшуносликдан кейин юзага келган психоллингвистика, лингвокогнитология, лингвокультурология, прагмалингвистика сингари замонавий йўналишларда ишлаб чиқилган антропоцентрик тамойиллар ва усуллар лисоний фаолиятни тил ёки нутққа дахлдор бирликларини таҳлил қилиш орқали ушбу фаолият ҳақида тўлақонли тасаввур ҳосил қилиб бўлмаслигини кўрсатмоқда. Ушбу янгича ёндашувларда инсоншунослик фанларида қўлга киритилган ютуқларни лисоний фаолият жараёнига жалб қилиш орқали унинг самарали кечишини таъминлайдиган восита ва ҳодисаларга янада аниқроқ баҳо бериш антропоцентрик талқиннинг муҳим шартларидан бири сифатида долзарб аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида инсон лисоний фаолиятининг лингвокогнитив хусусиятларини ўрганиш бўйича кўп сонли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда олиб борилган илмий ишлар ва таҳлил тажрибалари жумласига ўзбек ва корейс тилларидаги мустақил сўзларнинг ички конверсияси асосида ҳосил бўладиган номинатив транспозитларни, шунингдек, мустақил сўзларнинг десемантизацияси ва грамматикализацияси натижасида вужудга келадиган грамматик транспозитларни манба ва мақсад мақомидаги концептлар узвийлигига асосланувчи “X билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив ва дискурсив-синергетик механизмлар билан боғлиқ қиёсий таҳлилларни киритиш, шу орқали улар учун умумий бўлган лингвокогнитив асосларни белгилаш ва тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёни, халқаро алоқалар миқёсида халқ хўжалиги турфа жабҳаларидаги ташқи муносабатларнинг тезкор тамойили мамлакатда кадрлар тайёрлаш билан бевосита боғлиқ фан ва таълим тизими тараққиётига йўл очиш билан биргаликда, унинг зиммасига муҳим вазифаларни юклайди. Шу билан бир қаторда, “Болалар ва ёшларга махсус фанларни, юртимиз тарихини, дунё цивилизациясини, чет тилларни ва замонавий компьютер дастурларини ўргатиш каби вазифалар ҳали тўлиқ ва сифатли даражада ечимини топган деб бўлмайди”<sup>1</sup>. Мамлакатимизда навқирон соҳалардан бири сифатида ривожланаётган корейс тилини қиёсий англаш имконини яратадиган илмий ва ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжни қондириш масаласига эътибор беришни талаб қилади. Бу борада ўзбек ва корейс тилларига хос номинатив

<sup>1</sup> МирзиёевШ. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б. 94-95.

ва грамматик транспозитларнинг когнитив-дискурсив қиёси мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитишда халқаро миқёсда фаол қўлланилаётган замонавий усуллари татбиқ этган ҳолда ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Транспозиция ҳодисаси илк бор Ш. Балли томонидан лексик бирликларнинг “транспондент, транспозитор, транспозит” андозасидаги “синтактик ва семантик” кўчимлари орқали тавсифланиб, илмий истеъмолга киритилган<sup>1</sup>. Унинг кейинги талқинлари “морфологик-синтактик ясалиш”<sup>2</sup>, “морфологик конверсия, грамматик-семантик конверсия”<sup>3</sup>, “аффиксиз транспозиция ва метаморфик

<sup>1</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М.: Иностранной литературы, 1955. -416 с.

<sup>2</sup> Виноградов В.В. Вопросы современного русского словообразования // Исследования по русской грамматике. -М.: Наука, 1975. -195 с.

<sup>3</sup> Кубрякова Е.С. Деривация, транспозиция, конверсия // Вопросы языкознания: 1974. №5. 64-76 с.

транспозиция”<sup>1</sup> каби атамалар остида амалга оширилгани кузатилади. Унинг компрессия, десемантизация, грамматикализациялар билан ҳамкорлигида мустақил сўзларни ёрдамчи сўз ва аффикс морфемаларга кўчириши эса “грамматикализация” атамаси остида тавсифланади<sup>2</sup>.

Ўзбек тилшунослигида ҳам ушбу ҳодиса “туркумлараро кўчиш”, “морфологик-синтактик усул”<sup>3</sup>, “конверсия”<sup>4</sup>, “лексик ва семантик деривация”<sup>5</sup> каби сўз ва маъно яшаш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Мустақил сўзларнинг десемантизация ва грамматикализациясига оид транспозитлар умумий тилшуносликда бўлгани каби грамматикализация ҳодисаси доирасида тадқиқ қилинади<sup>6</sup>. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида транспозитлар лисоний тежамкорлик натижаси сифатида ҳам ўрганилган<sup>7</sup>.

Корейс тилида мазкур ҳодиса “품사 전성 – туркумлараро кўчиш”, “конверсия” атамалари остида тадқиқ қилинса ҳам, ушбу тилда “품사 – сўз туркумлари” қаторига мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ташқари аффикс морфемаларни ҳам киритган ҳолда таснифланиши лисоний бирликлар транспозицияси талқинида умумий бир тўхтамага келишга тўсқинлик қилган. Хусусан, бир гуруҳ манбаларда “품사 전성 – туркумлараро кўчиш”<sup>8</sup> ва “конверсия”<sup>9</sup> атамалари билан юритиладиган ҳодиса сўз ва маъно ясашига олиб келувчи “파생법 – деривацион қоида” сифатида эътироф этилса, бошқаларида ушбу ҳодиса “품사 통용 – туркумлар кенг кўлланиши” “туркумлар бирлашиши” сифатида<sup>10</sup>, яна бир гуруҳ манбада “품사 전성 –

<sup>1</sup> Телегин Л.А. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке: Дисс. ... док. фил. наук. – Самарканд, 1992. –259 с.

<sup>2</sup> Майсак Т.А. Типология грамматикализации конструкций с глогалями движения и глогалями позиции: Дисс. ... кан.фил. наук. -Москва, 2002. -288 с.; Комарова С.С. Семантическая компрессия в прагматике высказывания (на материале немецкоязычной прессы). Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Самара, 2005. -23 с.; Копоть Л.В. Универбация как вид компрессивного словообразования в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Майкоп, 2005. - 62 с.

<sup>3</sup> Абдурахманов Г. Субстантивированные прилагательные в современном узбекском языке: Дис. ... док. фил. наук. -Самарканд, 1950. – 132 с.; Мухтаров Дж. История развития причастных форм в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. –Ташкент, 1971. –53 с.; Миртожиев М. Ўзбек тилида лексик омонимлар манбалари. -Т.: Фан, 2014. – 126 б.

<sup>4</sup> Фуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология I том. -Т.: Фан, 1975. –612 б.; Асадов Т.Х. Сўз туркумлари тизимида равиш: Фил. фан. номз. дис. ... автореф. – Тошкент, 2009. –30 б.

<sup>5</sup> Рахимов А.С. Лексик ва семантик деривация муаммолари.-Т.: Наврўз, 2011. -166 б.

<sup>6</sup> Турдибоев Т.Х. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Ном. дисс. ... автореф. –Тошкент, 1996. – 62 б.; Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси: Номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2007. –25 б.; Пардаев А.З. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: DSc автореферати. – Ташкент, 2017. -46 б.

<sup>7</sup> Нурманов А. Принципы экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Ташкент, 1973. –46 с.; Махмудов Н.М. Эллипсис в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... кан. фил. наук. –Ташкент, 1977. –24 с.; Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. –Самарқанд: СамДУ, 2004. – 110 б.

<sup>8</sup> 홍기문. 조선문법연구/조선문법연구. 서울신문사. 1927/1947.; 고영근·구본관. 우리말 문법론. 서울. 2011. - P. 189.

<sup>9</sup> 김근수. 중학 국문법책. 1947. -P. 17; 구본관. 국어 품사 분류와 관련한 몇 가지 문제. 2010. -P. 27; 피베우 키다. 한국어 품사 통용 연구. 2015. -P. 30

<sup>10</sup> 한용운. 현대국어 조사의 범주 통용 문제. 2008.; 이정택. 품사분류와 품사의 통용. 2012. -P. 10.; 이현희. 범주로서의 품사와 품사 전형성. 2011. -P. 11.

туркумлараро кўчиш ва конверсия корейс тилида мутлақ мавжуд эмас”,<sup>1</sup> деган хулоса кузатилади.

Умумий, ўзбек ва корейс тилшуносликларида амалга оширилган сўз ясалиши, деривация, грамматикализация ва лисоний тежамкорлик билан боғлиқ илмий изланишлар таҳлили мазкур ҳодисани дискурсив-синергетик, когнитив-дискурсив тамойиллар асосида қиёсий таҳлил қилиш орқали транспозицияга хос тиллараро муштарак бўлган интегратив кўрсаткичларни белгилаш ва таҳлил амалиётига татбиқ этиш усулларини ишлаб чиқиш навбатдаги вазифалардан бири эканига ишора қилади. Юртимизда корейс тили бўйича таҳсил олаётган талабаларга мутахассислик тилини ўз она тили билан қиёслаб ўрганиш имконини яратадиган илмий ва ўқув адабиётларининг тақчиллиги ҳам ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик транспозитларни интегратив кўрсаткичлар асосида қиёсий ўрганиш заруриятидан дарак беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган (ОТ-Ф8-002-2011).

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик (кўмакчи сўзлар ва етакчи-кўмакчи феълли бирикмалар мисолида) транспозитларни “Х билан асимметрик алоқадор Y” универсал когнитив-дискурсив қурилма ва “транспондент, транспозитор, транспозит” схемаси асосида очиқ беришдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

транспозиция талқинига оид умумий тилшунослик, ўзбек ва корейс тилларида амалга оширилган илмий изланишларни қиёсий ўрганиш, улардаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаш ҳамда илғор қарашларга таянган ҳолда, мазкур ҳодисани қиёсий ўрганиш усулларини белгилаш;

ўзбек ва корейс тилларидаги туркумлараро ва сатҳлараро асимметрик кўчишларга оид лисоний далилларни жамлаш ҳамда уларнинг ўзбек ва корейс тилларидаги қиёсий таҳлилинини “транспондент, транспозитор, транспозит” аналогияси, манба ва мақсад концептлари узвийлигига асосланувчи “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилма ва дискурсив-синергетик механизмлар билан боғлиқ интегратив хусусиятларини қиёсий таҳлил қилиш;

ўзбек ва корейс тилларидаги транспозитларнинг қиёсий таҳлилинини: а) синтактик (функционал), конверсив (морфологик-синтактик), форматив, композитив типли номинатив, б) мустақил сўзларнинг ёрдамчи сўзларга кўчишига асосланувчи грамматик транспозитларни вазифадош кўмакчилар ва феъл кўмакчилар асосида қиёсий таҳлил қилиш;

---

<sup>1</sup> 서태룡. 국어 형태론에 기초한 통사론을 위하여. 2000. -P. 19.; 김정웅. 한국어 부사의 술어성: 품사론의 새로운 시각을 위하여. 2008. -P. 16.; 김호중. 국어 명사와 대명사, 명사와 수사의 품사 통용. 2014. -P. 31.

ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив транспозитларнинг эллипсис, компрессия, деривация, лексикализация; грамматик транспозитларни эса десемантизация, компрессия, грамматикализация кабилар ҳамкорлигида ҳосил бўлишининг таҳлилий баҳосини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик транспозитлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик транспозитларнинг когнитив-дискурсив ва деривацион таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тавсифлаш, қиёсий-типологик, систем-структур, металингвистик, когнитив-дискурсив, дискурсив-синергетик, когнитив-семантик, функционал ва деривацион таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва корейс тилларига хос номинатив ва грамматик транспозитларнинг анъанавий, дифференциал талқинларидан фарқ қилувчи “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилмалар доирасида қиёсий, қиёсий-чоғиштирма, қиёсий-тавсифий классификация усуллари ишлаб чиқилган;

ўзбек ва корейс тилларида сўз туркумлари таснифи, уларнинг лисоний мақоми, ўзаро муносабати ва туркумлара кўчиши каби лисоний ҳодисаларни ўрганиш ва ўргатишдаги лингвистик, грамматик, лексик, стилистик турдаги тафовутли ёндашувлар аниқланиб, уларни номинатив ва грамматик транспозитларнинг когнитив-дискурсив классификацияси воситасида бартараф этиш зарурлиги исботланган;

ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик транспозитларнинг тилларара муштарак табиатли “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилмаларга дахлдорлиги, уларнинг ўз асоси билан асимметрик муносабатда бўлиши ҳамда “транспондент, транспозитор, транспозит” аналогиясига асосланиши мазкур қурилмаларнинг генетик асоси таҳлили мисолида далилланган;

ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив транспозитларнинг эллипсис, компрессия, деривация, лексикализация ҳодисалари билан, грамматик транспозитларнинг эса десемантизация, компрессия, грамматикализация ҳодисалари билан қиёслаш асосида уларга хос когнитив-дискурсив муштаракликнинг мавжудлиги вазифадош кўмакчилар ва кўмакчи феъллар мисолида асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

транспозиция талқинига оид ўзбек ва корейс тилларига хос номинатив ва грамматик транспозитларни қиёсий таҳлил қилишнинг интегратив усулда амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

ўзбек ва корейс тилларидаги транспозиция ҳодисасига оид мавжуд илмий изланишларни қиёсий таҳлил қилиш асосида ушбу тиллардаги сўз туркумлари таснифи, лисоний мақоми, ўзаро муносабати ва кўчиши каби

масалаларни қиёсий англаш, ўргатиш ва ўрганишда тўсиқ бўлиб келаётган тафовутларни бартараф этиш омиллар очиб берилган;

қиёсланаётган тиллардаги эллипсис, компрессия, деривация, лексикализация ҳодисалари билан ҳамкорликда вужудга келувчи синтактик, конверсив, форматив, композитив турга мансуб номинатив транспозитларнинг когнитив-дискурсив муштаракликка эгаллиги асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган ёндашув ва усулларнинг замонавий назарияларга мослиги ҳамда методологик жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқ материалининг ишончли манбалардан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосаларнинг қатъийлиги, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижалар татбиғининг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий ва ўзбек тилшунослигида транспозиция ҳодисасининг таснифий-дифференциал тавсифи унинг сўз ва маъно яшаш жараёнлари ҳамда десемантизация ва грамматикализация ҳодисалари доирасида тадқиқ этилганлиги, ушбу изланишлар транспозициянинг номинатив ва грамматик мақсад ифодаларига кўра воқеланиш қондасига мос келиши, бундай изчиллик корейс тилида “мустақил сўз → ёрдамчи сўз → аффикс морфема” кўламида талқин қилиниши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти корейс тилларидаги мустақил сўзларнинг ички конверсияси асосида ҳосил бўладиган номинатив транспозитларни ҳамда мустақил сўзларнинг грамматик транспозицияси натижаларини манба ва мақсад мақомидаги концептлар узвийлигига асосланувчи “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилма ва дискурсив-синергетик механизмлар билан боғлиқ ҳолда қиёсий таҳлил қилиш асосида олинган натижалардан корейс тили бўйича малакали мутахассис бўлиб етишиш ниятида таҳсил олаётган талабаларга ушбу тилни она тили билан қиёслаб ўрганиш имконини берадиган ўқув адабиётларини тайёрлашда, сўз туркумлари таснифи, номинатив ва грамматик транспозитлар бўйича қиёсий изланишлар олиб боришда манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва корейс тилларида транспозиция ҳодисасининг қиёсий таҳлили юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

ўзбек ва корейс тилларига хос номинатив ва грамматик транспозитларнинг анъанавий, дифференциал талқинларидан фарқ қилувчи “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилмалар доирасида қиёсий, қиёсий-чоғиштира, қиёсий-тавсифий таҳлил қилиш усуллари бўйича олинган хулосалардан Европа Иттифоқининг Эразмус + дастурининг 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва халқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасининг назарий

асосларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 20 ноябрдаги 3013/30.02.01 - сон маълумотномаси). Натижада, лойиҳа доирасида матнларга ишлов берувчи дастур (NLP tool) ни ишлаб чиқишда илмий матн экспрессивлиги ҳақидаги маълумотлар базасига киритиш лойиҳа самарадорлигини ошириш ҳамда маълумотлар базасининг электрон ресурсларини шакллантиришга эришилган;

Ўзбек ва корейс тилларида сўз туркумлари таснифи, уларнинг лисоний мақоми, ўзаро муносабати ва туркумларарао кўчиши каби лисоний ҳодисаларни илмий ўрганиш ва ўргатишдаги тафовутли ёндашувлар аниқланиб, уларни номинатив ва грамматик транспозитларнинг когнитив-дискурсив таҳлили асосида бартараф этиш зарурлиги ҳақидаги фикрлардан Эразмус+ дастури 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHE-JP CLASS: “Computational Linguistics at Central Asian universities” грант лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 18 ноябрдаги 2321/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, ўқитувчиларда касбий маҳоратни ошириш, коммуникатив ва педагогик қобилиятларини ривожлантиришга эришилган;

Ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив ва грамматик транспозитларнинг тилларарао муштарак табиатли “X билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилмаларга дахлдорлиги, уларнинг ўз асоси билан асимметрик муносабатда бўлиши ҳамда “транспондент, транспозитор, транспозит” аналогиясига асосланиши уларнинг генетик асоси таҳлили мисолида далилланиши бўйича хулосалардан, И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 18 ноябрдаги 2920/30.02.01-сон маълумотномаси). Натижада, хорижий тил ўқитувчиларининг тилнинг назарий асосларига доир билимларини ошириш ҳамда корейс тилини ўргатишга мўлжалланган услубий қўлланмалар ишлаб чиқишда янги ёндашувларга эришилган;

Ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив транспозитларнинг эллипсис, компрессия, деривация, лексикализация ҳодисалари билан, грамматик транспозитларнинг эса десемантизация, компрессия, грамматикализация ҳодисалари билан қиёсий таҳлили асосида уларга хос когнитив-дискурсив муштаракликнинг мавжудлигига оид илмий хулосаларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 10 декабрь куни “Самарқанд садоси” эшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Самарқанд телерадиокомпаниясининг 2021 йил 23 декабрдаги 01-11/595-сон маълумотномаси). Натижада, тингловчиларнинг икки халқ маданияти ҳақидаги билимлари ошишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, 7 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами: 13 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шулардан, 6 та Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижалари чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, боблар бўйича хулосалар, ишнинг хулосаси, фойдаланилган илмий ва бадий адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Транспозиция ҳодисасининг илмий талқинлари ва таснифланиши”** деб номланади. Мазкур бобда транспозиция (лотинча “transposition” - ўрнини алмаштириш, кўчириш) терминнинг тилшуносликка кириб келиши, унинг синтактик ва семантик транспозитлар <sup>1</sup> миқёсида тавсифланиши, “трансформация, трансляция, конверсия” каби маънодош терминлар остида талқин этилиши кабилар хусусида сўз юритилади<sup>2</sup>.

Ушбу терминологик синонимияга қарамай, “транспондент, транспозитор, транспозит” типик схемасига асосланувчи мазкур ҳодисанинг дастлабки тадқиқларида асос структурага хос бирламчи маъно ва вазифанинг нутқ қуршовида иккиламчи ўзгариши натижасида янги сўз ва маънонинг ҳосил бўлиши олиб борилган изланишларнинг асосий мақсадини тақозо этади. Хусусан, Е. Куриловичнинг “лексик ва синтактик деривация” муносабатига оид <sup>3</sup>, В.В. Виноградовнинг сифат субстантивацияси, келишик шакллардаги отлар адвербиализациясини сўз ясалишининг “морфологик-синтактик” усули сифатида тавсифлаши <sup>4</sup>, А.И. Смирницкийнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оммалашган конверсия ҳодисасига оид илмий изланишлар <sup>5</sup> шундан дарак беради.

<sup>1</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М.: Иностранной литературы, 1955. -416 с.

<sup>2</sup> Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. -М.: Прогресс, 1975. -266 с.

<sup>3</sup> Курилович Е. Очерки по лингвистике. -М.: Иностранной литературы, 1962. -456 с.

<sup>4</sup> Виноградов В.В. Вопросы современного русского словообразования // Исследования по русской грамматике. -М.: Наука, 1975. -195 с.

<sup>5</sup> Мурясов Р.З. К понятию “конверсия” в дериватологии. Вестник Башкирского университета. 2014. №4. 1470-1479 с.

В.Г. Гак томонидан транспозициянинг морфологик, синтактик ва онверсия каби типларга ажратилиши, тилдаги “эксплицит” (очик) ва “имплицит” (яширин) компонентли ясамаларнинг “симметрик ва асимметрик” муносабатлар асосида тафовутланиши<sup>1</sup>, метафора ва метонимия билан ҳамкорикда воқеланувчи синтактик транспозицияни эркин бирикмаларнинг композитив барқарорлашувиغا олиб келувчи восита сифатида тавсифланиши<sup>2</sup>, “аффиксиз ва метоморфик транспозиция”<sup>3</sup>, “грамматик ва лексик конверсия” ва “тропли деривация” каби турлар<sup>4</sup> транспозицияга оид кейинги изланишларни сўз ва маъно яшаш усуллари кўламида,<sup>5</sup> унинг семантик-синтактик компрессия билан ҳамкорликда, прагматик мақсадларни рўёбга чиқиш воситаси сифатида таҳлил қилина бошлаганига ишора қилади<sup>6</sup>.

Е.С. Кубрякованинг ясама сўзларни “манба (source domain) ва мақсад (target domain) мақомидаги концептларнинг атомар предикат воситасида пропозитив узвийлигига асосланувчи когнитив-дискурсив қурилма” билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш таклифи<sup>7</sup> уни лингвокогнитив аспектда тадқиқ этилишига замин яратди. Хусусан, А.Т. Дуйсенбина, Х.А. Билаловалар транспозицияни универсал табиатли ва мураккаб ҳамкорликларга асосланувчи, кўп босқичли когнитив механизмлар асосида воқеланувчи яхлит ҳодиса сифатида талқин этилиши<sup>8</sup>, А.А. Раҳимов ушбу қурилмани “Х билан алоқадор Y” моделининг “симметрик, асимметрик ва симулятив импликация”га асосланган типлар доирасида таҳлил қилиши кузатилади<sup>9</sup>.

Шунингдек, яна бир гуруҳ изланишларда асос сўзнинг десемантизация ва грамматикализацияси<sup>10</sup> натижасида ҳосил бўладиган ёрдамчи сўз ва аффикс морфемалар ҳам туркумлараро кўчиш асосида вужудга келиши қайд этиладики, ушбу мулоҳазалар ўзбек ва корейс тилларидаги транспозитлар қиёсини “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурилмасига

---

<sup>1</sup> Гак В.Г. К типологии лингвистических номинации // Языковая номинация. Общие вопросы. –М.: Наука, 1977. -360 с.

<sup>2</sup> Телия В.Н. Семантика связанных значений слов и их сочетаемости//Аспекты семантических исследований –М.: Наука, 1980. 250-319 с.; Соколова Г.Г. Фразообразование во французском языке. –М.: Высшая школа, 1987. -142 с.

<sup>3</sup> Телегин Л.А. Безаффиксальная транспозиция и влияние на процесс деривации в современном английском языке: Дисс. ... док. фил. наук. –Самарканд, 1992. –259 с.

<sup>4</sup> Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. –СПб.: РГПУ, 2007. -819 с.

<sup>5</sup> Аймурзаева А.А. Субстантивация имен прелогательных и причастий в современном каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Нукус, 1985. –26 с.

<sup>6</sup> Комарова С.С. Семантическая компрессия в прагматике высказывания (на материале немецкоязычной прессы). Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Самара, 2005. -23 с.; Копоть Л.В. Универбация как вид компрессивного словообразования в современном русском языке: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. - Майкоп, 2005. -62 с.

<sup>7</sup> Кубрякова Е.С. Язык и знание, (на пути получения знаний о языке: части речи с когнитивной точки зрения, роль языка в познании мира). –М.: Языки славянской культуры, 2004. -560 с.

<sup>8</sup> Билалова Х.А. Когнитивные основы субстантивации прилагательных в английском и лезгинском языках: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Махачкала, 2013. –26 с.

<sup>9</sup> Раҳимов А.А. Иккиламчи номинатив бирликларни ҳосил қилувчи лингвокогнитив воситалар тадқиқи (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Самарканд, 2020. – 62 б.

<sup>10</sup> Майсак Т.А. Типология грамматикализации конструкций с глогалами движения и глогалами позиции: Дисс. ... кан.фил.наук. -Москва, 2002. -288 с.

асосланувчи номинатив ва грамматик транспозитлар кўламида тадқиқ этиш учун асос қилиб олинди.

“Транспозиция ҳодисасининг ўзбек тилшунослигидаги талқинлари” “туркумлараро кўчиш”, “морфологик-синтактик усул”, “конверсия”, “лексик ва семантик”<sup>1</sup> каби ясаиш жараёнлари билан боғлиқ ҳолда, шунингдек, мустақил сўзларнинг грамматикализацияси<sup>2</sup> билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши кузатилади. Шунингдек, ўзбек тилшунослигида транспозиция ва конверсияни нутқ ҳодисаси, лексикализация ва грамматикализацияни тил ҳодисаси сифатида, конверсия ва грамматикализацияларни бир-бирига алоқасиз ҳодиса деб баҳолаш ҳоллари<sup>3</sup>; конверсия лексикани бойитиши билан бирга, мустақил сўзларни ёрдамчи сўзларга кўчириш характерида ҳам намоён бўлиши, ёрдамчи сўзларни конверсия натижаси экани<sup>4</sup> ҳақидаги бир-бирига зид фикрлар ҳам кузатилади. Ушбу мулоҳазаларга номинатив ва грамматик транспозитларни мустақил сўзлар структурасидаги “бўш ўринлар” валентлиги<sup>5</sup>, “грамматик-семантик плеоназм”<sup>6</sup>, лисоний тежамкорлик<sup>7</sup>, когнитив-дискурсив қурилма ва транспозитив схемалар ўртасидаги “дискурсив-синергетик”<sup>8</sup> боғланиш кабилар асосида таҳлил қилиш орқали муносабат билдирилди.

Ишнинг учинчи қисмида “Транспозиция ҳодисасининг корейс тилшунослигидаги талқинлари ва қиёсий ўрганиш усуллари”ни илмий - амалий жиҳатдан белгилаш, ўзбек тилида бўлгани каби 품사 전성 туркумлараро кўчиш” ва “전성 конверсия”<sup>9</sup> терминлари остида талқин қилинадиган мазкур ҳодиса тавсифидаги умумийлик ва тафовутларни белгилаб, уларни мувофиқлаштириш имкониятлари ҳақида тавсиялар ишлаб

<sup>1</sup> Абдурахманов Г. Субстантивированные прилагательные в современном узбекском языке: Дис. ... док. фил. наук. -Самарканд, 1950. 132 с.; Мухтаров Дж. История развития причастных форм в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Ташкент, 1971. -53 с.; Миртожиев М. Ўзбек тилида лексик омонимлар манбалари. -Т.: Фан, 2014. 126 б.; Ғуломов А. Ўзбек тили грамматикаси. Морфология I том. -Т.: Фан, 1975. - 612 б.; Асадов Т.Х. Сўз туркумлари тизимида равиш: Фил. фан. номз. дис. ... автореф. - Тошкент, 2009. -30 б.; Раҳимов А.С. Лексик ва семантик деривация муаммолари.-Т.: Наврўз, 2011. -166 б.

<sup>2</sup> Турдубоев Т.Х. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Ном. дисс. ... автореф. -Тошкент, 1996. - 62 б. Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси: Номз. дисс. ... автореф. - Тошкент, 2007. -25 б.; Пардаев А.З. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: DSc автореферати. - Ташкент, 2017. -46 б.

<sup>3</sup> Незматов Х., Асадов Т., Ширинова Н. Конверсия, транспозиция ва лексикализация ҳақида // А.Ғуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари: Илмий мақолалар тўплами. - Т.: 2010. 30-34 б.

<sup>4</sup> Элтазаров Ж.Д. Ўзбек тили сўз туркумлари парадигмасидаги ўзаро алоқа ва кўчиш ҳоллари. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. - 160 б.;Пардаев А.З. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: DSc автореферати. - Ташкент, 2017. -46 б.

<sup>5</sup> Кацнельсон С.Д. К понятию типов валентности. Вопросы языкознания, 1987. №3. 20-33 с.

<sup>6</sup> Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. -М.: Иностранной литературы, 1955. -416 с.; Гак В.Г. К типологии лингвистических номинации // Языковая номинация. Общие вопросы. -М.: Наука, 1977. -360 с.

<sup>7</sup> Нурманов А. Принципы экономии в фонетических изменениях узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. -Ташкент, 1973. -46 с.; Махмудов Н.М. Эллипсис в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ... кан. фил. наук. -Ташкент, 1977. -24 с.; Элтазаров Ж.Д. Тилдаги тежамлилик тамойили ва қисқарув. -Самарканд: СамДУ, 2004. - 110 б.

<sup>8</sup> Сафаров Ш.С. Семантика. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. - 344 б.

<sup>9</sup> 홍기문. 조선문법연구/조선문법연구. 서울신문사. 1927/1947.; 고영근·구본관. 우리말 문법론. 서울. 2011. - P. 189.

чикиш кўзда тутилган. “품사 сўз туркум”ларининг корейс тилидаги функционал-позицион таснифида мустақил ва ёрдамчи сўзлардан ташқари аффикслар ҳам туркумлар доирасида тавсифланади. Шу боис, ўзбек тилидан фарқли равишда “품사 전성 туркумлараро кўчиш” ва “전성 конверсия” терминлари орқали тавсифланадиган транспозициянинг кўлами: “мустақил сўз → ёрдамчи сўз → аффикс” изчиллигида белгиланади. Масалан, *뜻* морфемасини *비가 오는 뜻* - худди *ёмғир ёгаётгандек* жумласида мустақил сўз, *폭탄이 비 오듯 떨어진다* - худди *ёмғир томчиларидек бомбалар тушмоқда* жумласида эса сўз ясовчи кўшимча сифатида изоҳлангани каби<sup>1</sup>.

Корейс тилидаги функционал-позицион ёндашувнинг таъсирини бир гуруҳ манбаларда “품사 전성 туркумлараро кўчиш” ва “전성 конверсия” ҳодисаларининг “파생법 деривацион қоида”, “영 파생 кўшимчасиз ясалиш” сифатида<sup>2</sup>, бошқаларида “품사 통용 туркумлар кенг кўлланиши”, “통합 (統合) туркумлар бирлашиши” сифатида<sup>3</sup>, яна бир гуруҳида “ушбу ҳодиса корейс тилига хос эмас”<sup>4</sup>, - деган хулоса ва изоҳлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Корейс тилидаги бундай баҳсталабликларнинг ечимини излаган Т. Б. Ли ушбу муоммоларни агглютинатив тузилиши ўхшаш бўлган туркий тилларда шаклланган тажрибаларга таянган ҳолда бартараф этишни тавсия қилади<sup>5</sup>. Ушбу фикрларни ҳисобга олиб, транспозициянинг ўзбек ва корейс тилларидаги қиёсий таҳлилини номинатив ва грамматик (кўмакчи сўзлар ва етакчи-кўмакчи феълли бирикмалар мисолида) транспозитларни ажратиш, улардаги тиллараро умумий асосни “Х билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив курилмаси орқали белгилаган ҳолда амалга ошириш лозим топилди.

Иккинчи боб “*Ўзбек ва корейс тилларидаги номинатив транспозитларнинг қиёсий тавсифи*” деб номланади. Унинг “*Конверсив транспозитларнинг қиёсий таҳлили*” деб номланган биринчи қисмида “전성 конверсия”, “영 파생 кўшимчасиз ясалиш” (ноль деривация), “морфологик-синтактик” усул терминлари остида талқин қилинадиган мазкур ҳодисага субстантиватлар қиёси мисолида муносабат билдириш кўзда

<sup>1</sup> Никольский Л.Б. Служебные слова корейском языке. –М.: ВЛ, 1962. -180 с.

<sup>2</sup> 김근수. 중학 국문법책. 1947. -P. 17.; 구본관. 국어 품사 분류와 관련한 몇 가지 문제. 2010. -P. 27.; 피베우 키다. 한국어 품사 통용 연구. 2015. -P. 30

<sup>3</sup> 한용운. 현대국어 조사 의 범주 통용 문제. 2008.; 이정택. 품사분류와 품사의 통용. 2012. -P. 10.; 이현희. 범주로서의 품사와 품사 전형성. 2011. -P. 11.

<sup>4</sup> 서태룡. 국어 형태론에 기초한 통사론을 위하여. 2000. -P. 19.; 김정웅. 한국어 부사의 술어성: 품사론의 새로운 시각을 위하여. 2008. -P. 16.; 김호중. 국어 명사와 대명사, 명사와 수사의 품사 통용. 2014. -P. 31.

<sup>5</sup> Ли Т.Б. Спорные вопросы определения термина «служебные имена существительные» в корейском языке. Вестник КазГУ. Серия востоковедения. 2014. №2(68). 124-131 с.



транспозитларнинг қиёсий таҳлили”да муайян бир асосга сўз ясовчи кўшимча кўшиш орқали янги сўз ҳосил қилишга асосланувчи “форматив синтагма” (лот. formantis – сўз ясовчи)<sup>1</sup> таҳлиliga эътибор қаратилди. Ҳар иккала тилда “А+Б=АБ” типидagi линияли форматив транспозитларнинг “суффиксация ва префиксация” усуллари мавжуд бўлиб, Pref+R типидagi префиксли ясамалар ўзбек тилида қисман от, асосан, сифат ясалишида кузатилади: *ҳам+дard, ҳам+касб, ҳам+товоқ; но+тўғри, бе+маъни, сер+ташвиш, ба+маза, кам+чиқим*. Корейс тилида эса префиксация серунум ва фаол усул бўлиб, префикслар “категориал-калассификацион маъно” ифодалаши, мустақил ҳолда қўлланиш хусусиятига эгаллиги, префикс ва квазипрефиксларнинг юздан ортиқ экани билан фарқланади<sup>2</sup>. Масалан, *대(大) катта* сўзнинг: *대가족 катта оила, 대공업 катта ишлаб чиқариш* каби кўшилмаларда префикс, *대를 살리기 위해서는 소를 희생하지 않으면 안 될 때가 있다* Кўпчиликини қутқариш учун сизир қурбон қилинган вақтлар ҳам бўлган жумласида от деб изоҳланади<sup>3</sup>.

Мустақил сўзларнинг препозитив қўлланиб, *қайин+ога, катта+қўрғон, қизил+мия* каби калассификацион маъно ифодалаши ўзбек тилида ҳам кузатилади. Бироқ, улар префиксли ясамалар деб эмас, эркин морфемаларнинг композитив узвийлигида ҳосил бўлган кўшма сўзлар деб изоҳланади<sup>4</sup>. Корейс тилида мустақил сўзларнинг функционал-позициясига асосланган ҳолда “префикс, квазипрефикс” деб баҳоланиши, ўзбек тилида эркин бирикмаларнинг конструктив, композитив транспозицияси назарда тутилган ҳолда кўшма сўз дейилиши тил таълимида тўсиқ бўлиб келаётган муаммолардан биридир.

Шу боис, *қайин+ога, 대가족 катта+оила* ясамаларидаги сўз ясовчи вазифасидаги биринчи қисмининг нутқда мустақил маъносида қўлланиши, уларнинг таъсири асос сўзни категориал кўчириш даражасида эмас, балки нарсани таснифий-тафовутлаш билан чегараланиши каби ички тузилишига кўра транспозицияга даҳлдор деб бўлмаслигини эътиборга олиб, уларни эркин бирикмаларнинг конструктив, композитив транспозициясига асосланган кўшма сўзлар деб фарқлашни лозим топдик.

Ш.Ў. Мирзақулов томонидан “ички ва ташқи ясалиш”<sup>5</sup> деб фарқланган “R+suf” типидagi форматив ясамаларнинг ўзбек тилидаги 46 та от ясовчилардан 24 таси, корейс тилидаги 83 та суффикслардан 19 тасининг транспозитив хусусиятли экани кузатилади. Ушбу кўрсаткичлар форматив транспозитларни қуйидаги гуруҳлари орқали кўзга ташланади: 1) “X ҳаракат билан алоқадор шахс” модели: *учув+чи, ҳайдов+чи, сотув+чи; о/о/*

<sup>1</sup> Блох М.Я. Теоретические основы грамматики. –М.: Высшая школа, 2004. –239 с.

<sup>2</sup> Мазур Ю.Н. Грамматика корейского языка (Морфология. Словообразование). –М.: МГУ, 2004. 320 с.

<sup>3</sup> 연세 한국어사전/이상섭의 감수하에. 서울. 1998. . -P. 1740.

<sup>4</sup> Шоабдурахмонов Ш., Аскарлова М., Ҳожиев А. ва б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (1-қисм). –Т.: Ўқитувчи, 1980. – 443 б.

<sup>5</sup> Мирзақулов Ш.Ў. Ўзбек тилида сўз ясалиш маъноси ва парадигмаси: Ном. дисс. ... автореф. – Самарқанд, 1995. –15 б.

(бола)+보(보다 - қарамоқ)+개=아이보개 (бола қаровчи, энага), 집 (yü)+보(보다-қарамоқ) +개=집보개 (уй қўриқчи, қоровул); 2) “X ҳаракат билан алоқадор нарса” модели: боғловчи, тароқ, тўсиқ, супурғи, чолғи, ўлчағич, тўплам, тузма, ювинди, тўлқин, учқун; 김매+가(김을 매다 ўтоқ, 본보기 бичиқ, 지우개 ўчирғич, 못뽑이/мих суғурғич, 마개뽑이 очғич, 묶음 боғлам, 흐름 оқим, 풀이 ечим, 모임 йиғин, 알림 билдириши, 맞이 учрашув; 3) “X ҳолат билан алоқадор нарса” моделда: согинч, қувонч, қарсак, бизбизак, шаршара, зарғара, шаррос, гулдурос; 기쁨 севинч, 그리움 согинч, 딱딱이 тўқмоқ, 개굴이 вақвақа, 찌꼭이 какку каби.

Кўшма сўзларнинг транспозицияга муносабати уларнинг эркин бирикмалар конструктив, композитив транспозицияси асосида номинатив мақсадни ифодалаши орқали кўзга ташланади. “Композитив транспозитларнинг қиёсий таҳлили” деб номланган сўнги қисмда ўзбек ва корейс тилларидаги “синтактик-лексик, синтактик-морфологик” типли кўшма сўзларнинг “X билан асимметрик алоқадор Y” когнитив-дискурсив қурулмага муносабати эркин бирикмаларнинг конструктив, композитив кўчирилиши, семантик-синтактик компрессия, лексикализация ва фразеологизация каби ҳамкор ҳодисаларнинг иштироки асосида белгиланди<sup>1</sup>.

Кейинги йилларда кўшма сўзларнинг “идиоматик ва идиоматик бўлмаган турлари, уларнинг “А+Б=АБ” типдаги линияли эндоцентрик ва “А ни Б га кўчириш”га асосланган экзоцентрик” типлари ҳам фарқланмоқдаки<sup>2</sup>, ушбу тажрибалар ўзбек ва корейс тилларидаги: *искабтопар, олибсотар, келин бармоқ, бузоқбош* ҳамда *해바라기* кунгабоқар, *길잡이*/ўл бошловчи, *목걸이*/томоқ илғич (мунчоқ), *팔걸이*/қўл илғич (билаг узук) сингари “А ни Б га кўчириш”га асосланган композитив транспозитларни *аждаргул, анжиршафтоли, билагузук, белбоғ, 봄비*/ баҳор ёмғири, *고무신* резина этик, *손톱* қўл тирноғи, *기와집* сопол томли уй, *춧불* шам ёғдуси, *줄다리* арқон кўприк каби “А+Б=АБ” типдаги линияли кўшма сўзлардан фарқлаш имконини яратади.

Учинчи боб **“Ўзбек ва корейс тилларидаги грамматик транспозитларнинг қиёсий таҳлили”**га бағишланган бўлиб, унинг биринчи қисмида “Ўзбек ва корейс тилларида мустақил сўзларнинг грамматик транспозицияси кўмакчи сўзлар ва етакчи-кўмакчи феълли бирикмалар мисолида муҳокама қилинган. Мустақил сўзлар структурасида мужассамланган семантик-грамматик “энергия” (В. Гумбольдт) нарса ва ҳодисаларни номлашда манба вазифасини ўтаганидек, тилнинг грамматик ифода эҳтиёжлари учун хизмат қиладиган ёрдамчи сўз ва аффикс морфемаларни вужудга келтиришда ҳам манба бўлиб хизмат қилади. Корейс тилида “전성 конверсия” ҳодисасининг ўзбек тилидан фарқли равишда

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тилида кўшма, жуфт ва такрорий сўзлар. –Т.: 1963. –144 б.; Мазур Ю.Н. Корейский язык. –Л.: Изд. Вост. Лит, 1960. –119 с.

<sup>2</sup> Юлдашев А.Г. Идиоматик кўшма сўзларнинг лингвокогнитив аспекти (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Фил. фан. ном. дис. ... автореф.– Тошкент, ЎзДЖТУ, 2017. – 47 б.; Раҳимов А.А. Кўрсатилган манба. 2020.

“мустақил сўз → ёрдамчи сўз → аффикс морфема” изчиллигида талқин қилиниши номинатив ва грамматик транспозициянинг манба ва восита нуқтаи назаридан умумий асосли эканига ишора қилади.

Ўзбек ва корейс тилларидаги таснифий-дифференциал ва функционал-позицион ёндашувлар мустақил сўзларда бўлгани каби ёрдамчи сўзлар таснифида ҳам бир қатор номутаносибликларни юзага келтирган. Хусусан, корейс тилида ёрдамчи сўзлар таснифидаги хилма-хилликлар, уларнинг кўшимчалар қоришиқлигида таснифланиши шулар жумласидандир.

Ёрдамчи сўз ва кўшимчалар қоришиқлиги ўзбек тилида ҳам кузатилади, бироқ, ушбу лисоний бирликлар корейс тилидаги сингари “кўшимчалар туркуми” сифатида эмас, *-гача*, *-дай* каби кўмакчи аффикслар, *-ки(-ким)* каби боғловчи аффикслар, *-ку*, *-ми*, *-чи* каби юклама аффикслар деб ўз туркуми доирасида қайд этилади. Аташ маъносига эга бўлмаслик, алоҳида гап бўлаги вазифасида келмаслик, нутқдаги сўзларни бир-бири билан боғлаш, уларнинг маъносига кўшимча маъно юклаш, мустақил сўз ва кўшимчаларга нисбатан “оралиқ учинчи”лик ёрдамчи сўзлар учун типик хусусият эканлиги асос қилиб кўрсатилади<sup>1</sup>.

Лисоний бирликларни синтактик вазифаси ва ўрнидан (функционал-позицияси) келиб чиқиб тавсифлаш сўз туркумлари ва уларнинг транспозициясини “мустақил сўз → ёрдамчи сўз → аффикс морфема” доирасида белгилашга олиб келиши: *정말* отининг: *정말은 그곳은 우리집이 아니란다* - *Ҳақиқатда бу бизнинг уй эмас* жумласида ўз маъносига, *날씨가 정말 좋다* - *Ҳаво ҳақиқатда ажойиб* жумласида равиш, *정말! 비가 오네!* - *Ҳақиқатда! Ёмгир ёгаркан* жумласида эса ундов сўз сифатида изоҳланиши ҳамда ушбу жараёни 3 узвли “3 개 품사 전성” туркумлара кўчиш” сифатида изоҳланиши мисолида кўзга ташланади<sup>2</sup>.

Ўзбек тилида мустақил сўзларнинг ўз лексик-грамматик маъносидан чекингани ҳолда, ёрдамчи вазифага хосланиши конверсия, грамматикализация ва ушбу ҳодисалар узвилиги асосида белгиланади<sup>3</sup>. Шунингдек, лексик бирликларнинг морфологик-аналитик, лексик-аналитик қуршовлар таъсирида “шаклдан → мазмунга” ва “мазмундан → шаклга” йўналган ҳолда десемантизацияга учраши ушбу жараёнда муҳим аҳамиятга эга бўлиши қайд этилади<sup>4</sup>. Шунга монанд ҳолда транспозиция лексик бирликларга хос семантик-грамматик имкониятларни синтактик позиция

<sup>1</sup> Сайфуллаева Р.Р., Менглиев Б.Р., Боқиева Г.Х., Қурбонова М.М., Юнусова З.Қ., Абузалова М.Қ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Т.: Фан ва технология, 2009. -391 б.

<sup>2</sup> 강신항. 학교문법 체계통일을 위한 연구. 1982.

<sup>3</sup> Турдибоев Т.Х. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар конверсияси: Ном. дисс. ... автореф. –Тошкент, 1996. – 62 б. Каримова Г. Ўзбек тилида грамматикализация ҳодисаси: Номз. дисс. ... автореф. – Тошкент, 2007. –25 б.; Пардаев А.З. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларидаги лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: DSc автореферати. – Ташкент, 2017. -46 б.

<sup>4</sup> Гак В.Г. Десемантизация языкового знака аналитических структур синтаксиса // Аналитические конструкции в языках различных типов / ред. В.М. Жирмунский, О.П. Суник. –М.: Л., 1965. -440 с; Никитевич В.М. Основы номинативной деривации. –Минск, Высшая школа, 1985. -157 с.

ёрдамида рўёбга чиқарувчи ва аксинча, чекловчи восита сифатида эътироф этилади.

Шундай асосларга эга бўлган транспозитив жараёни: *Бу шаҳарга ўқиш мақсадида келдим. Диққат билан тинглаганим сабабли жавоб бера олдим* жумлаларида мақсад, сабаб маъносидаги отларнинг “N+X<sub>postp</sub>-V” синтактик қурилмасида поспозитив қўлланиши уларнинг ўз лексик-грамматик маъносидан чекингани ҳолда, кўмакчи от вазифасига хосланиши, уларнинг: *юра турган - юра+диган; кела турур / дурур - келадир / келади; гап ур, туф ур, лоф ур - гап+ур, туп+ур* тарзида, инглиз тилидан корейс тилига ўзлашган: *no* (노-), *god* (갓-), *full* (풀-), *deep* (딕-) каби сўзларнинг префикс мақомида қўлланиши, форс-тожик тилидан ўзлашган *-хон, -шунос, -дор, -фуруш, -хўр* каби мустақил сўзларнинг ўзбек тилида ясовчи қўшимча мақомига эга бўлиши мисолида кузатиш мумкин <sup>1</sup>.

Лексик маънонинг “умумлашма маънога кўчиши”, “умумлашма маънонинг граммема сифатида шаклланиши” <sup>2</sup> асосида содир бўладиган бундай транспозицион изчиллик анчагина хилма-хил бўлиб, ўзбек ва корейс тилларидаги мустақил сўзларнинг “N+X<sub>postp</sub>-V” ва “V+V” каби синтактик қурилмаларда кўмакчилашуви шулардан биридир. Мустақил сўзларнинг ушбу икки моделлардаги кўмакчилашуви уларнинг постпозитив қўлланиши билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, ушбу конъюнкцион жараёни “постпозитив транспозиция” деб юритиш ва қиёсий таҳлил қилиш лозим топилди. Транспозициянинг ушбу усули “Ўзбек ва корейс тилларида мустақил сўзларнинг постпозитив транспозицияси” деб номланган кейинги қисмда мустақил сўзларнинг “N+X<sub>postp</sub>-V” қуршовида кўмакчилашиши мисолида муҳокама қилинди.

Ҳар иккала тилда мустақил сўзларнинг (N) исм гуруҳидаги сўзлардан (X<sub>postp</sub>) кейин келиб, улар билан “N+X<sub>postp</sub>” аналитик қурилма ташкил қилган ҳолда, битта гап бўлагини бажарган ҳолда кўмакчилашиши кузатилади. Корейс тилида “후치사 кўмакчи”, “частица”, “келишик частицалари” <sup>3</sup> сифатида ҳам изоҳланадиган ушбу ёрдамчи сўзлар, асос эътиборига кўра, “аслий (собственно) кўмакчилар”, от, сифат ва феъл кўмакчилар сифатида ҳам фарқланади <sup>4</sup>. Худди шундай тасниф ўзбек тилида: 1) исм гуруҳига мансуб сўзлардан ажралиб чиққан соф кўмакчилар, 2) *-гача, -дай, -дек* сингари қўшимчасимон кўмакчилар, 3) ҳам мустақил маънода, ҳам

<sup>1</sup> Уралов А. Ўзбек тилида қўшимчалар тизимида мураккаб ва “кенгайган шакл”лар: Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1919. – 32 б.; Мозоль Т.С. Грамматикализация в корейском языке лексических единиц английского языка. Вестник МГЛУ. Гуманитарные науки. Вып. 8 (837) / 2020. 65-79 с.; Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясаши тизими. –Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2007. –168 б.

<sup>2</sup> Пардаев А.З. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматикаси: DSc автореферати. – Ташкент, 2017. -46 б.

<sup>3</sup> Ким Ф. Грамматика современного корейского языка. –Алматы: КазГУ, 2002. -303 с.; 남궁억 (南宮億). 조선어법. 서울. 1913.

<sup>4</sup> Холодович А.А. Очерк грамматики корейского языка. ЛКИ, 2014. -328 с.; Мазур Ю.Н. Корейский язык. - Л.: Изд. Вост. Лит, 1960. -119 с.

кўмакчи вазифасида ишлатиладиган от, сифат, равиш ва феъл каби вазифадош (нисбий) кўмакчиларни қайд этиш орқали амалга оширилган<sup>1</sup>.

Курул-восита, мақсад, сабаб, пайт, масофа, йўналиш, ўхшатиш каби муносабатларни шакллантириш хусусиятига эгаллиги билан келишик кўшимчалари билан вазифадошлиги жиҳатидан инглиз ва рус тилларидаги предлогларга ўхшаш, бироқ, мустақил сўзларнинг “препозиционализация” асосида эмас, “постпозицияси” кўмакчилашиши билан предлоглардан фаркланади.<sup>2</sup> Г. Рамстедт корейс тилидаги “N+Xpostp-V” типида кўмакчилашадиган сўзларни асос эътиборига кўра, келишик кўшимчасидаги от, отлашган сифат, равишлар ҳамда феъл формаларидан келиб чиқувчи от ва феъл кўмакчиларга ажратади<sup>3</sup>.

